*Ислом КАРИМОВ:*

# ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

носиб кўрилди. Кўчаларга, боғ ва хиёбонларга мустабид тузум қурбонларининг номлари берилиб-абадийлаштирилди.

Айниқса ҳассос шоир, буюк саркарда Мирзо Бобур сиймоси ҳақоратлардан фориғ этилгани, буюк давлат арбоби, аллома Мирзо Улуғбек таваллуд санаси диёримиздагина эмас, Истанбул, Париж, Карочи каби дунёнинг йирик шаҳарларида ҳам муносиб нишонлангани юртимиз обрўйини, саховатли заминимиз довруғини узоқ-узоқларга таратди. Ҳазрат Навоий таъбирлари билан айтганда, биз ўзимизни топа бошладик.

Аввал иқтисод, кейин сиёсат деган гап бор. Чунки иқтисодий тараққиётни йўлга қўймай туриб, сиёсат ҳақида гапириш ортиқча. Мана шу мақсадда мамлакатда иқтисодий ислоҳот амалга оширила бошланди.

Шу ўринда, аввало, иқтисодни ислоҳ қилишдан мақсад нима эканини аниқлаб олиш лозим, деган эди Президент. Ўзингиз ўйлаб кўринг, қаъри табиий бойликларга макон бўлган замин, ҳар қаричи олтинга тенг тупроқ, улкан илмий салоҳият, меҳнатсеварликда дунёда тенгги йўқ халқ бўлса-ю, у чор-ночор ҳаёт кечирса. Шу мантиққа тўғри келадими? Демоқчиманки, мамлакатда бошланган иқтисодий ислоҳот ана шу масалани ҳал этишни, ҳар бир фуқарога муносиб ҳаёт кечириш учун шароит яратиб беришни, қисқаси, халқ манфаатини кўзда тутади.

Мен боя йўл танлаш -- тарихий вазифа деган иборани бежиз айтмадим. Тасаввур қилинг: халқ бир одамга юксак ишонч билдириб, уни шу улуғ мамлакатга Президент этиб сайлади. Демакки, унга тақдирини ишониб топширди. Халқ номидан иш юритиш ваколатини берди. Дунёда бундан ҳам ортиқ масъулият борми? Шундай экан, халқни келажак сари бошлашда, жамият тараққиётининг устивор йўналишларини белгилашда адашиш мумкинми?

Ислом Каримов ана шу ҳақиқатни назарда тутиб, иқтисодиётни қайтадан ташкил этиш, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига эришиш мақсадида халқимизнинг ҳаёт тарзи, тарихий ва миллий ўзига хослигини инобатга олиб, Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини белгилади. Унинг муҳим беш тамойилини ишлаб чиқди. Уларнинг ҳаётга қандай татбиқ этилаётганидан, дастлабки натижаларидан барчамиз хабардормиз -- кундалик ҳаётда сезиб, ҳис этиб турибмиз.

Бу тамойилларга амал қилган ҳолда Ўзбекистонда қандай вазифалар ҳал этилмоқда?

Аввало, бозор иқтисодиётининг асосий шарти -- давлат мулкини хусусийлаштириш амалга оширилмоқда, халқ хўжалигида ишлаб чиқарувчиларга тўла эркинлик берилаётир, улар ўртасида соғлом рақобат вужудга келмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бусиз меҳнат самарадорлигини ошириш, истеъмол бозорининг тўкин-сочинлигига эришиш мумкин эмас.

Иккинчидан, мамлакат иқтисодиётига чет эл сармоясини кенгроқ жалб этиш, қўшма корхона, концерн ва корпорациялар ташкил қилиш орқали мавжуд ишлаб чиқариш иншоотларини замонавий, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш имконини берадиган илғор технология билан қайта жиҳозлаяпти, янги корхоналар қурилаяпти. Ана шу йўл билангина республиканинг четга хомашё эмас, балки тайёр маҳсулот чиқаришига эришмоқ мумкин.

Муҳими халқ хўжалигининг ҳал қилувчи йўналишлари бўйича бошқа давлатларга қарамликдан қутилиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Чунки республиканинг ғалла, нефть, кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлашига эришмай туриб иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириб бўлмайди.

Айниқса, шу йил муомалага чиқарилган миллий валютамиз -- сўмнинг харид қувватини мустаҳкамлаш, нуфузини ошириш, ҳеч бўлмаса, мамлакат ичкарисида обрўли валюталар билан эркин алмашувига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки пул -- мамлакат иқтисодий салоҳиятининг асосий мезонидир, яъни миллий пул бақувват бўлсагина давлат қудратли бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, бизда ана шу режаларни амалга ошириш, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишнинг барча ҳуқуқий асослари яратилди. Амалий ишлар аллақачон бошланган. Уларнинг дастлабки натижалари кўзга ташланиб қолди.

Республикада бу йил қарийб 4 миллион тонна пахта етиштирилди. Ўзбекистон тарихида илк бор салкам 2 миллион тонна ғалла ҳосили олинди. Ҳозир деҳқонларимиз олдида 2-3 йил мобайнида ғалла мустақиллигига эришиш вазифаси турибди. Бу нафақат иқтисодий, балки сиёсий масала ҳамдир. Пахта майдонларини қисқартириш, уларнинг бир қисмини дон, картошка, сабзавот ва мева етиштириш учун ажратилгани ҳам яхши самара бермоқда.

1990-йилларда қарийб 4 миллион тонна нефть пахта эвазига четдан келтирилар эди. Бу кўрсаткич йилдан йилга камайиб бораётир. Келгуси йили бор-йўғи 750 минг тонна нефть сотиб олиш мўлжалланмоқда.

Уй-жой фонди, савдо, хизмат кўрсатиш шохобчаларини хусусийлаштириш ниҳоясига етди. Энди навбат катта саноат корхоналарига келди. Улар очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилмоқда. Қимматбаҳо қоғозлар бозори фаолият кўрсата бошлади. Шу йилнинг ўзида 50 минг давлат корхонаси мулк шаклини ўзгартирди. Республикада 13 минг деҳқон хўжалиги ташкил топди. Ҳозир мамлакатимизда етиштирилаётган гўштнинг 70, сутнинг 77 фоизи ана шу хўжаликлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Хўш, хусусийлаштиришга нега бунчалик аҳамият берилаётир? Биламизки, шўро замонида мулк бир вақтнинг ўзида ҳамманики, аслини олганда эса ҳеч кимники эмас эди. Энди у ҳақиқий эгасини топмоқда. Бусиз на тежамкорликка, на самарадорликка, на қилинган меҳнатдан манфаатдорликка эришиб бўлади. Чунки ҳақиқий мулк эгаси бир сўмни беҳуда сарфламайди, биронта ғиштнинг ерда бекор ётишига йўл қўймайди.

Келгусидаги вазифалар эса бунданда улкан. Иқтисодий ислоҳот қишлоқ хўжалигида секин кечаётгани сир эмас. Давлат ва жамоат хўжаликларининг номи, мулк шакли ўзгаргани билан баъзи жойларда меҳнатга муносабат ҳамон эскича қолмоқда. Бу соҳадаги бошқарув тизими деярли қисқармади. Янги ташкил этилган деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳақиқий маънода эркинликка эриша олмаяпти. Бунинг сабаби -- биздаги энг нозик муаммо -- ерни шахсий мулк қилиб бериш масаласи ҳал этилмаганида эди. Чунки деҳқон ер ўзиники эканини ҳис этмагунча унга тўла меҳр қўя олмайди. Шу ҳисобга олиб яқинда ерни узоқ муддатга, ворисларига мерос қолдириш ҳуқуқини берган ҳолда фуқароларга кимошди савдоси орқали сотиш хусусидаги Фармон эълон қилинди.

Бундан ташқари, эски тузумдан қолган боқимандалик кайфиятидан одамларни халос этиш, ерда ишловчиларни камайтириб, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтказиш, том маънодаги ишчи кучи, меҳнат бозорини шакллантириш ҳам бу жабҳада ҳали кўп иш қилинишини тақозо этади.

Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганидек, ислоҳотдан мақсад -- тез орада иқтисодий мустақилликка эришиш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, Ўзбекистоннинг юксак тараққий топган давлатлар қаторидан ўрин олишига эришмоқдир. Ҳар биримиз ана шу эзгу ниятни дилга тугиб яшамоғимиз, ишламоғимиз шарт.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, унинг моддий таъминоти масаласига жиддий аҳамият бериб келинаётир. Чунки биз табиатан болажон халқмиз. Республика аҳолисининг деярли ярмини болалар ташкил этади. Умуман олганда, бизда ҳар бир ишловчининг қарамоғида ўртача 5-6 нафар жон бор.

Бир мажлисда Ислом Каримов шундай деган эди: ўзингиз ўйланг: бир йигит уйига қўли куруқ келса, қоракўз болаларига нон тополмаса, қартайиб қолган ота-онасининг юзига қаролмаса, бундан ортиқ даҳшат бўладими? Бундай вазият турли ижтимоий портлашларга олиб келмайдими? Қолаверса, давлатнинг биринчи вазифаси ўз фуқаролари тинчлигини ҳимоя қилиш, таъминотини жой-жойига қўйишдан иборат эмасми?

Шу боис, иттифоқ парчаланиб, рўзғоримиз бўлак бўлган пайтдан бошлабоқ республикада одамларга томорқа ажратиб берилди. Аҳолини энг зарур озиқ-овқат ва саноат моллари билан меъёрлаб бўлса-да, узлуксиз таъминлаш чоралари кўрилди. Мамлакатда аҳолининг эҳтиёжманд қисми -- нафақахўр, ногирон, боқувчисиз фуқароларни, айниқса, болаларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги тизими яратилди. Ҳеч ким давлат ғамхўрлигидан четда қолмади. Шунинг учун энг оғир пайтларда ҳам ҳеч ким, айрим мамлакатлардаги каби, ахлат қутиларини титишга бориб етмади.

Худога шукр, ҳозир вазият анча ўнгланди. Ҳозирги кунда пахтамизнинг харидоргирлиги, жаҳон бозорида бу қимматбаҳо хомашёга талаб ортиб бораётгани ҳам маълум. Қолаверса, полиметалл, уран, минераллар, қоракўл, пилла каби бойликларимиз кўп.

Бизда ҳам, баъзи собиқ иттифоқ республикаларидаги каби, ана шу маблағлар эвазига хориждан вагон-вагон товарлар сотиб олиб, дўконларни тўлдириб ташлаш мумкин эмасми? Мумкин. Нега шундай қилинмаяпти?

Бунинг сабаби шундаки, фақат бугуннинг роҳатини ўйлаб, юрт табиий бойликларини совуриш, андиша билан айтганда, келгуси авлодлар ризқини қийиш бўлади. Чунки бу бойликларда уларнинг ҳам ҳаққи бор. Қолаверса, ҳар қандай бойликнинг ҳам охири бўлади. Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас, деб бежиз айтилмаган.

Бизда ана шу маблағлар мавжуд корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлашга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, Мингбулоқ, Кўкдумалоқ каби нефть конларини ўзлаштиришга, Асака, Дўстлик, Бухоро шаҳарларидаги улкан саноат иншоотларини бунёд этишга сарфланмоқда. Бошқача айтганда, иқтисодиётимиз пойдевори мустаҳкамланаётир, халқимиз Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида яшаяпти, меҳнат қилаяпти.

СССРдек улкан империянинг парчаланиб кетиши -- асримизнинг энг муҳим сиёсий воқеаларидан бири, десак муболаға бўлмас. У жаҳон харитасига жиддий ўзгаришлар киритди. Европа ва Осиёда бир қанча мустақил давлатлар вужудга келди. Табиийки, уларнинг ҳар бири халқаро майдонда ўз нуфузига эга бўлиш, дўстлар орттириш ҳаракатига тушди. Зеро, ҳеч бир давлат якка-ёлғиз, ташқи оламдан узилган ҳолда яшай олмайди.

Халқаро майдонда обрў-эътибор қозонишнинг ўзи бўлмайди. Бу йўлдаги биринчи қадам -- янги пайдо бўлган давлатни дунё ҳамжамиятидаги бошқа давлатлар эътироф этишидир. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ҳақидаги Декларация эълон қилингач, бизни биринчи бўлиб азалий қардошимиз -- Туркия Республикаси тан олди. Ҳозир бизни тан олган давлатлар сони 130 дан ортиб кетди. Уларнинг аксарияти билан дипломатик алоқалар ўрнатилди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, Европа Ҳамкорлик ва Хавфсизлик Кенгашига, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасига -- деярли барча халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Улар ташкил этаётган халқаро симпозиум, семинар ва анжуманларда фаол иштирок этмоқда. Мустақил Ўзбекистон овозини унинг биринчи Президенти сиймосида бутун дунё эшитиб турибди. Ҳиндистон, Корея Республикаси, Хитой, Франция, Германия, АҚШ, Голландия, Туркия, Малайзия каби ўнлаб мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган юзлаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ҳамдўстлик мамлакатлари билан эса анъанавий ҳамкорлик ришталарини сақлаб қолишга ҳаракат қилинмоқда. Айниқса, ён қўшниларимиз -- Қозоғистон ва Қирғизистон билан ягона иқтисодий макон барпо этилгани хайрли иш бўлди. Ўртадаги бир қанча сунъий тўсиқлар олиб ташланди.

Тожикистон халқи биродаркушлик уруши туфайли оғир кунларни бошдан кечирмоқда. Ўзбекистон ўз қардошларига мунтазам равишда инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб келади. Ислом Каримов бу билан чекланмасдан БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийга йўллаган мактубларида БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида жаҳон ҳамжамияти эътиборини бу қалтис можарога қаратди. Европада Ҳамкорлик ва Хавфсизлик Кенгашининг яқинда Будапештда бўлиб ўтган мажлисида Тожикистонга ҳам собиқ Югославия республикалари билан бир даражада инсонпарварлик ёрдами ажратилиши лозим, деган таклифни илгари сурди.

Мамлакатимизга деярли ҳар куни чет эллик меҳмонлар келади. Уларнинг кўпчилиги -- давлат арбоблари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, йирик сармоядорлар, ишбилармонлар, банк ходимлари. Шунда бу одамларни республикамизнинг нимаси мафтун этади, бизга бу қадар ёндашиб келишидан, ҳамкорлик таклиф этишидан муддаоси нима экан, деган савол хаёлимдан ўтади. Чунки чет эллик сармоя эгалари анойи эмас. Бозор иқтисодиётининг паст-баландини кўравериб пишиб кетган. Шунда уларни чорлаётган нарса юртимиздаги сиёсий барқарорлик, ижтимоий осойишталик, чет эл сармоясини ҳимоя қилишнинг кафолатлангани, бу борада ҳуқуқий асос яратилгани бўлса керак деган хулосага келаман. Қолаверса, халқимизнинг кўнгли очиқлиги, меҳмондўстлиги, меҳнатдан қочмаслиги ҳам хорижий ишбилармонларни бефарқ қолдирмайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон жаҳон миқёсида умумэътироф этган барча қоидаларни, қадриятларни тан олиб, уларга қатъий амал қилиб келмоқда. Хусусан, ҳеч кимнинг ички ишига аралашмайди, ҳеч бир давлатга на ҳудудий, на моддий даъвоси йўқ. Айни пайтда ўзига -- Ўзбекистонга ҳам айнан шундай муносабатда бўлишларини истайди. Тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун қалбимиз ҳам, эшигимиз ҳам очиқлигини бутун жаҳон кўриб турибди... Айниқса, энг оғир вазиятларда ҳам Ўзбекистон, унинг тимсоли -- Президент бировдан бир мири сўрамагани, ҳеч қаерга қўл чўзиб бормагани, фақат ўз меҳнатимиз билан кун кечирганимиз, ғуруримизни букмаганимиз башар эътиборидан четга қолгани йўқ.

Хуллас, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон майдонига чиққанига уч йилдан ошган бўлса, барча халқаро мажбуриятларини сўзсиз адо этиб келяпти. Ҳеч бир соҳада бировдан қарздор эмас. Юзини ерга қаратадиган, мусаффо байроғига доғ туширадиган бирор ҳаракатга йўл қўймади. Чунки унинг бирон бир пинҳона нияти, бировга ёмонлиги йўқ. Албатта, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ҳам, нуфузи ҳам шунга яраша бўлади. Ва биз, шу юрт фарзандлари, бундан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бепоён саҳрода кетаётган одам -- милт этган чироқ излайди. Баҳри муҳит аро сузиб бораётган кемалар -- маёққа интилади. Таъбир жоиз бўлса, мафкуранинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини ана шу ёритқичларга қиёслаш мумкин.

Агар инсоннинг аниқ мақсади, эзгу омоли бўлмаса -- ҳаёт унинг учун зерикарли машғулотга айланади. Ҳар бир инсон нима учун яшаяпти, меҳнати, куйиб-ёнишидан муддаоси нима эканини теран хис этсагина ҳаракатида собитлик, умрида маъно зоҳир бўлади. Таъбир жоиз бўлса, миллий мафкура -- ана шу мақсад ва омолларнинг бир нуқтада бирлашишидир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, у барчага тушунарли, жозибаси билан халқни бир улуғ мақсад йўлида жипслаштирадиган, нон каби содда, иймон янглиғ покиза бўлмоғи, тарихий қадриятларимиздаги, Шарқ фалсафасидаги, бошқа ақидалардаги энг яхши ахлоқий-фалсафий мезонга мос нимаики бўлса, ҳаммасини ўзида мужассам этмоғи лозим. Унинг замирида эса мана шу озод Ватанимиз, заҳматкаш халқимиз манфаати ётади. Унинг бахтли келажаги йўлида меҳнат қилиш, керак бўлса ҳимоясига жонни тикиш уни деб яшаш -- бизнинг олий омолимиз, ҳаёт йўлимизни ёритувчи маёқдир. Ана шу эътиқодга содиқ бўлиш учун, биз кимларнинг ворисларимиз, теран илдизларимиз қайси покиза булоқлардан баҳра олади, қаерда турибмиз, танлаган йўлимиз қай ёруғ манзилларга олиб боради -- буни ҳар биримиз теран ҳис этишимиз керак.

Шу ўринда бир нарсага аниқлик киритиш эҳтиёжи сезилади. Баъзилар миллий мафкурани шакллантириш, яратиш деганда уни бир вақтлар ўқиганимиз -- коммунизм қурувчиларининг аҳлоқ кодексига ўхшаш китобча шаклида тасаввур қилаётгандек туюлади. Ҳолбуки, халқ ҳеч қачон мафкурасиз яшамаган, у азалдан она юртингни сев, бировга ёмонлик қилма, ҳалол ва пок бўл, деган шаклларда ўлмас руҳ каби тафаккуримиз маъвосида учиб юради. Гап фақат уни йиллар чангидан тозартириш, омолларимизни яна бир бор аниқ белгилаб олиш ва уларни халқимиз онгига зуҳур этиш устида кетяпти. Қисқа айтадиган бўлсак, миллий мафкура дегани, бу -- адиблар, олимлар, санъат аҳлининг саъй-ҳаракати билан одамлар руҳида намоён бўладиган ўзгаришдир. Масалан, америкаликлар, туркияликлар гап ватани тақдири, манфаатига бориб тақалганда ўзаро гина-кудуратларни, партия ва гуруҳлараро курашларни -- ҳаммасини унутади, бизнингча айтганда, бир зумда бир тану бир жон бўлади. Ана шу миллий мафкуранинг қудрати, халқ, ватан тақдирида намоён бўлишидир. Иншооллоҳ, бизда ҳам шундай бўлади. Унинг дастлабки куртакларини одамларнинг дунёқарашидаги ўзгаришлардан кўриб, ҳис этиб турибмиз. Зотан, ватан, халқ манфаати ҳамма нарсадан устундир...

Адолатли, ҳар бир одам ҳур ва озод яшайдиган жамият -- инсониятнинг азалий орзуси. Биз ҳам мустақил, демократик, ҳуқуқий давлат, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «адолат кучда эмас, куч -- адолатда» деган шиори рўёбга чиқадиган жамият қуришни ният қилганмиз.

Бу йўлда қўйилган дастлабки қадам шу бўлдики, жамиятимиз, давлатимизнинг ҳуқуқий пойдевори -- ҳар бир моддаси пухта ишланган Конституциямизни қабул қилиб олдик.

Асосий қонунимизда жаҳон Конституциячилигининг энг яхши тажрибалари намоён бўлди, у нуфузли халқаро ташкилотлар, қилни қирқ ёрадиган экспертлар назаридан ўтказилди. Ўзбекистон ҳудудида яшаётган ҳар бир фуқаро учун тенг ҳуқуқ ва эркинликлар берилгани, ҳеч кимни на сиёсий, на иқтисодий жиҳатдан камситилишига йўл қўйилмагани -- унинг умумбашарий қадриятларга мослигини ҳатто бизга унча хайрихоҳ бўлмаган сиёсатдонлар, мутахассислар ҳам эътироф этди.

Учинчи йилки, ана шу янги Конституцияга амал қилган ҳолда яшаяпмиз. У юртимиздаги сиёсий барқарорлик, осойишталик, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлади, жамият ҳаётининг том маънодаги дастуриламалига айланди.

Куни кеча ана шу Конституция асосида янги парламент -- республика Олий Мажлисига, маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказилди. Менимча, янги Конституциямиз моҳиятини англамоқ учун бу галги сайловни аввалгилари билан таққослаш кифоя.

Баъзан кишига малол келадиган жойи шундаки, айрим сиёсатдонлар, матбуот вакиллари Президент билан суҳбатларда гапни атайлаб демократия, инсон ҳуқуқлари масалаларига буради.

Хўш, демократия ўзи нима дегани? Ўзбекистонда демократик тамойиллар қарор топяптими? Масалага шу нуқтаи назардан ёндошилса, бизнингча, тўғри бўлади.

Демократиянинг асосий шарти бу -- мамлакатда халқ иродаси билан қабул қилинган қонунларга, биринчи галда Конституцияга барчанинг бир хилда бўйсуниши, яъни, қонуннинг барча нарсадан устунлигидир. Шу -- ақидага кундалик ҳаётимизда амал қилиняптими, йўқми? Ёки инсон ҳуқуқлари масаласини олиб кўрайлик. Инсоннинг энг олий ҳуқуқи, бу -- энг аввало ҳаёт кўриши, яшаши эмасми? Президент фаолиятининг, барча ҳаракатларининг туб моҳияти юртимиздаги ҳар бир фуқаро учун ана шу ҳуқуқни таъминлашга қаратилмаяптими? Ҳеч қандай ислоҳот, ҳеч қандай демократия битта гўдакнинг бевақт тўкилган қонига арзимайди дейилгани, бу -- демократияни камситиш эмас, балки инсонни улуғлаш экани наҳотки тушунарли бўлмаса?! Бундан ташқари, баъзи собиқ иттифоқ республикаларидагидан фарқли ўлароқ, дини, тили, эътиқоди, миллатидан қатъий назар, ҳаммага тенг ҳуқуқ бериб, кафолатлаб қўйилган бўлса!

Ҳар бир мамлакатнинг, халқнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олмаслик, бир қолипга солишга уриниш, демократияни -- бошбошдоқлик, талатўп деб, инсон ҳуқуқларини -- ҳар кимнинг истаган ишини қилавериши деб тушуниш, инсофдан бўлмас. Бор ҳақиқатни бутун дунё кўриб, билиб турибди.

Одатда бирон янгиликнинг ўзига йўл очиши қийин кечади. Яшириб нима қиламиз, дастлабки вақтларда Президент танлаган йўлни, ҳатто машҳур беш тамойилни-да тушунмаганлар ҳам, бу борада иккиланганлар ҳам бўлди. Лекин вақт -- энг одил ҳакам деганларидек, одамлар оқу қорани ажратиб бўлди. Илгари адашганлар ҳам тўғри йўлга тушиб кетди. Бу ҳақиқатни бутун дунё тан олди. Хусусан, яқинда диёримизга ташриф буюрган Беларус Республикаси Президенти А. Лукашенконинг «Биз ўз мамлакатимизда ислоҳотларни ўтказишда Ўзбекистон тажрибасига таянамиз» дегани ана шу эътироф нишонаси эмасми?

Дунёда талабчанликни -- қаттиққўллик, қатъиятни -- диктаторлик дегувчилар ҳам топилади. Қаерда давлат ҳокимияти бўшашса, бу бўшликда турли «ҳокимиятча»лар пайдо бўлади. Амал талашиш бошланади. Бунинг қандай оқибатларга олиб келишини ён қўшниларимиз тажрибаси кўрсатиб турибди. «Агар бизда ҳам... шижоаткор раҳбар бўлганда эди, бу нохушликлар рўй бермасди» дейди Тожикистонлик Маннон Атласов «Озодлик» радиостанцияси орқали эшиттирилган мактубида. Менимча, бу ерда ҳеч қандай изоҳнинг ҳожати йўқ.

«Шу азиз Ватан -- барчамизники. Унинг бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса, жонни фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир», дея таъкидлаган эди Президент. Демоқчиманки, Ўзбекистоннинг бағри кенг, унга барчамиз сиғамиз. Ҳаммамизга юмуш топилади. Фақат ҳеч кимни ватан корига яраш бахтидан бенасиб этмасин!

Мухтасар айтадиган бўлсак, мана шу уч йил мобайнида мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ислоҳотнинг биринчи босқичи якунланди. Олий мақсадимиз -- буюк Ўзбекистон келажагининг тамал тошини қўйиш, ўлкамизнинг гуллаб-яшнаши учун замин ҳозирланди. Ана шу оламшумул ишларнинг барчасига халқ сайлаган Президент Ислом Каримов бош-қош бўлмоқда. Бу ҳақиқатдан ҳеч ким кўз юма олмайди.

Халқимиз вазиятни теран тушуниб, ўтиш даврининг муваққат қийинчиликларига дош бериб, сабр-тоқат, вазминлик билан яшаб келаяпти. Чунки у Ўзбекистоннинг эртаси ёруғлигига, ғалламиз ҳам, нефтимиз ҳам, турли русумли машиналаримиз ҳам -- барчаси бўлишига, юртимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир одам мутараққий мамлакатлардагидек тўкин-сочинликда, муҳтожлик нималигини билмай умргузаронлик қиладиган кунлар узоқ эмаслигига ишонади.

**Аҳмад ХЎЖА.**
**(ЎзА).**

## САРҲИСОБ

***Халқимизда йил якунланганда эришилган натижаларни таҳлил этиш, нималарга эришилди, олдимизда қандай вазифалар турибди, ҳаммасини таҳлил этиб янги йилни бошлаш одатга айланган. Ана шу таомилга кўра ўтган куни Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли халқ корпорациясида вилоят қишлоқ хўжалиги ходимларининг йил сарҳисобига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.***

***Йиғилишни Тошкент вилояти ҳокими М. Б. ИКРОМОВ очди.***

У ўз сўзида вилоятимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг 1994 йилда баракали меҳнат қилганликларини таъкидлади. Сабзавот, пилла, бошоқли дон экинлари ва бошқа қатор маҳсулотлар етиштириш режалари бажарилди. Энг муҳими қишлоқ хўжалиги тармоғида ислоҳотлар тобора чуқурлашиб боряпти. Ўтган бир йилнинг ўзидаёқ туманлардаги деҳқон (фермер) хўжаликлари сони 2 мингдан ошиб кетди. Улар томонидан етиштирилаётган маҳсулотлар Тошкент шаҳри бозорларини тўкин бўлишида салмоқли ҳисса бўлди.

Гарчанд вилоятда 1994 йилда пахта тайёрлаш режаси бажарилмаган бўлсада, ўтган йилларга нисбатан ҳосилдорлик ошди. Вилоятдаги пахта етиштирувчи 9 туманнинг 6 таси йиллик режасини ортиғи билан адо этди. Агар 1993 йилда бор-йўғи 17 та хўжалик режани уддалаган бўлса, бу йил 76 та хўжалик режасини ортиғи билан бажариб, яхши натижаларга эришди. Вилоят бўйича ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили сўнгги бир йилда 4,2 центнерга ошди.

Йиғилишда шунингдек, янги -- 1995 йилда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари олдида катта вазифалар турганлиги айтилди. Республикамизнинг ғалла мустақиллигига муносиб ҳисса қўшиш, вилоят аҳолисини ғалла маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш мақсадида ғалла майдонлари кенгайтирилди. Бу йил 115 минг гектар майдонга дон экилди. Уларнинг ҳар гектаридан ўртача 40 центнердан ғалла олиш бош вазифа қилиб қўйилди. Пахтачилик соҳасида йўл қўйилган айрим камчилик ва нуқсонларни бартараф этиб, келгуси йилда мўл ҳосил олиш учун пухта замин ҳозирланмоқда.

1995 йилда вилоятимиз шаҳарлари ва пойтахт меҳнаткашларига мўл-кўл мева, сабзавот ва резаворлар етказиб бериш, бозорларимизни тўкин қилиш ниятида катта ишлар қилинмоқда.

Йиғилишда пахта йиғим-теримида энг юқори натижаларга эришган туманлар ва хўжаликларга, мавсумда деҳқонларга ҳосилни териб олишда катта ҳисса қўшган ҳашарчиларга вилоят ҳокимлигининг совғалари топширилди. Мавсумда режадаги 35300 тонна ўрнига 36900 тоннадан ортиқ пахта топшириб биринчи ўринни эгаллаган Ўртачирчиқ туманига вилоят ҳокимининг фармойиши билан «ГАЗ-31» енгил автомашинаси берилди. Юқоричирчиқ, Қуйичирчиқ, Бўка, Чиноз ва Оққўрғон туманларига ҳам совғалар топширилди. Энг юқори натижага эришган 9 хўжалик пахтакорлари ҳам муносиб тақдирландилар.

Шунингдек, пахта йиғим-теримига ўзининг катта ҳиссасини қўшган халқ таълими, соғлиқни сақлаш, автотранспорт, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа ташкилот, муассасаларнинг бир гуруҳ ходимларига ҳам вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИГА ПАСПОРТЛАР, ХОРИЖИЙ ШАХСЛАРГА, ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРГА ЯШАШ ГУВОҲНОМАЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХС ГУВОҲНОМАЛАРИ БЕРИШ ҲАМДА АЛМАШТИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

собга олиш масалалари бўйича махсус ахборот тармоғининг фаолият кўрсатиши учун зарур миқдорда тўғридан-тўғри телефон ва телеграф каналлари ажратсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буюртманомаларига биноан 1995 йилнинг 1 чорагида хорижий шахсларнинг ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳномалар бланкаларини зарур миқдорда тайёрласин, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти бланкаларини ишлаб чиқаришни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни 1994 йил охиригача Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги буюртманомасига биноан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларининг паспорт бўлинмалари учун зарур бўлган махсус маҳсулотларни тайёрлаб берсин.

5. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буюртманомасига биноан Германиядан паспортларни шахслаштириш бўйича махсус асбоб-ускуналар ташиб келтирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хориждаги дипломатик корпусга, уларнинг оила аъзоларига ҳамда чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти беришни ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 1994 йил охиригача манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

ўзининг йўриқнома ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига ва мазкур қарорга мувофиқлаштирсин;

1995 йилнинг II чорагидан бошлаб хорижий фуқароларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳномаларни ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаларини беришни таъминласин ва алмаштиришни бир йил мобайнида якунласин;

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳамда хорижий фуқароларни меҳмонхоналар, санаторийлар, отеллар, кемпинглар ва дам олиш уйларида рўйхатга олиш тартиби тўғрисида» Вазирлар Маҳкамаси қарорининг лойиҳасини тайёрласин;

маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, меҳмонхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари, ташкилотлар, корхоналар ҳамда муассасаларнинг паспорт ишларини юритишга масъул бўлган ходимларини ўқитиш дастурини ишлаб чиқсин ва тегишли равишда ўқитишни йўлга қўйсин;

паспорт тизими қоидаларини бузувчиларни ҳамда суд ва терговдан қочиб юрган шахсларни аниқлаш учун «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик темир йўл компанияси билан биргаликда «АИПС Вокзал» ахборот-қидирув тизимини яратиш тўғрисидаги таклифни Вазирлар Маҳкамасига 1995 йил 1 июлгача тақдим этсин;

1995 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 1995 йил 1 январгача берилган умумфуқаро хорижий ва хизмат паспортлари билан чет элга чиқишларини расмийлаштиришни тўхтатсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда:

вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, мудофаа ишлари бўлимлари, йирик корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарларидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига паспортлар бериш ва алмаштириш билан боғлиқ ишларни ташкил этувчи ҳамда ўтказувчи комиссияларни тузсинлар;

ички ишлар органлари паспорт бўлинмаларининг ва манзил-маълумотнома бюроларининг, шунингдек, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг тайёргарлик ҳолатини текширишни ташкил этсинлар;

ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига Ўзбекистон Республикаси фуқароларига паспортларни бериш ва алмаштириш бўйича ишларни узлуксиз амалга оширишлари учун зарур жой ҳамда техника ресурсларини ажратсинлар;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини олиш учун аҳолига зарур пулли хизматлар кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар рўйхатини аниқласинлар ва уларнинг фаолияти устидан назоратни таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини жорий этиш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар тўғрисида» 1992 йил 13 ноябрдаги қарорининг 1-банди ва шу қарор билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти тўғрисида Низом» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 27 декабрь.

